

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Қўйхатга олинди  
№ НО 3 - 59  
20 11 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Орта махсус таълим вазирлигининг  
2011 йил 11 август 11 даги  
буйруғи билан

“Божхона иши (фаолият турлари бўйича)”

Иўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ**  
**КАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИКТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ**  
**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ КАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ**  
**МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-ўқувчи бirlashmalar факультети Мувofiqlashtiruvchi kengashининг 2017 йил 18.08 даги 4 - сонли байномаси билан тасдиqlangan.*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эрташев, ф.ф.д., проф. М.М.Каххарова.**  
**“Таълим-тарбия жараёндарини ташкил этишнинг конунчилик нормалари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц.О.Х.Нарзулаев.**  
**“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетенция” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Мусимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, ўқитувчилар И.А.Эшаматов, К.Рискулова.**  
**“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот маълуминини лойиҳалаш” модули: ф.м.ф.н., доц. Х.Холмиев, катта ўқитувчилар В.Ҳамидов, М.Файзиёва, ўқитувчилар Т.Шаймардонов, А.Обидов.**  
**“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар У.Гиясова, Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг ётақчи мутахассислари.**  
**“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, пс.ф.н. Х.М.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. А.З.Каримов.**  
**Махсус фанлар бўйича: Хорижий эксперт Ёкома Кенки (Япония), Ишчи гуруҳ: и.ф.д., проф. А.Қучаров, доц. М.Қасимов, п.ф.н., доц. Д.Файзуллаева, катта ўқитувчи Д.Собирова.**

**Тақризчилар:**  
Хорижий эксперт: Усула Наоз, Кеёно университети (Япония), И.Хотамов - и.ф.н., доцент.

Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодийт университети Кенгашининг қарори билан тасдиққа таъсия қилинган (2017 йил 31.05 даги 10 -сонли баянома).

**Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қароридати услувор йўналишлар ва вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида кайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёндарининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетенциясини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмунини олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёндариди ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизиди илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараккиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнги йотуқлар, педагогнинг касбий компетенциясини ва креативлигини, глобал Интернет тармоқини, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш услуларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутлади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунини, сифатини ва уларнинг тайёрларлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тахрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёндарини таъкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидати билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйилади молдулар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

## I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишининг қонунийлик нормалари.

## II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Иктисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари.

## III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Иктисодиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

## IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Иктисодиёт соҳасида тизимли таҳлил асослари.

## VI. Махсус фанлар

- 6.1. Божхона иши.
- 6.2. Давлатнинг бож-тариф сиёсати.
- 6.3. Ташқи иктисодий фаолиятнинг божхона тарминоти.

## VII. Педагогик амалиёт

## VIII. Малакавий аттестация

### Курснинг максали ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг максали педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юқсак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мултязам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирadi:

- "Божхона иши (фаолият турлари бўйича)" йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини ўзгусиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- "Божхона иши (фаолият турлари бўйича)" йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қaratилган фаолиятни ташкил этиш.

### Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар:

"Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари", "Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат", "Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш", "Амалий хорижий тил", "Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари" модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйилган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси устувор йўналишларини;
- ташқи иктисодий фаолиятни тартибга солиш тизимида тариф усулларини;
- божхона божларининг иктисодий табиати ва вазифаларини;

унинг ўндирштиш тартибини;

- замонавий ахборот божхона технологияларини;
- божхона йиғиллари ва уларни ўндирштиш тартибини;
- товарларни божхона киймати баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини билишни керак.

#### Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси устувор йўналишларида белгиланган вазифаларни ҳаётга татиқ этиш;
- божхона органлари фаолиятини иктисодий таҳлил қилиш;
- замонавий маълумотлар тизими билан ишлаш технология ва методларини қўллаш;
- товарнинг божхона кийматини баҳолаш;
- божхона кийматини баҳолашнинг захира усулларини қўллаш;

- товарнинг божхона киймати баҳолаш;
- божхона божларини миллий иқтисодийetni самарадорлигига таъсирини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### Тингловчи:

- божхона тўловларининг ундирилишини ... халқаро ташкилотлар тамойиллари асосида такомиллаштириш;
  - электрон декларациялашда қўлланиладиган асосий божхона ахборот технологияларидан фойдаланиш;
  - божхона тўловларининг ундирилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
  - божхона тизимини тартибга солиш усулларини ишлаб чиқиш;
  - экспорт ва импорт жараёнларининг мониторингини такомиллаштириш
- Малакаларига эга бўлиши зарур.**

#### Тингловчи:

- божхона органлари иқтисодий фаолиятини таҳлил этиш;
  - божхона органлари иқтисодий фаолияти самарадорлигини баҳолаш;
  - божхона декларациясини тўлириш;
  - божхона тизимида қўлланиладиган ахборот технологияларининг дастурий таъминотларидан фойдаланиш;
  - давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш стратегияларини ишлаб чиқиш;
  - иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи омилларни аниқлаш
- компетенциясига эга бўлиши зарур.**

#### Курс хажми

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Кайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илловаси билан таъдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати бериллади.

«Иқтисодийет» йўналиши бўйича кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

#### 1. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

**1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига ва таълим-тарбия масалалари.**

Мустақил Демократик тараккиёт ва жамият ривожига. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Малакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчилай давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини химоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлатилиши зарурлиги. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон иқтисомий ҳаётида амалга ошириладиган тўб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш ва интеграциялаштириш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

**1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунийлик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Қорруқияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Қорруқияга қарши курашни тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог қадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог қадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли Фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог қадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли қарори.

2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кўкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тўбдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1533-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасидаги таълим тизимини ўзгартириш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасидаги таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабийотлари билан тўқиб келиш ва таъминлаш тўғрисида”ги 4-сон қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушуنчаси ва уларга қўйилган талаблар, “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари таълим тартибининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом, Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Магистратура тўғрисида”ги Низом, “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартдаги “Янги ўқув усулбўйи мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида”ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартдаги “Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида”ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида”ги 123-сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

## II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

**2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетенциялар.** Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кезиш босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахста йўналтирилган таълим технологияларининг мазмۇни, йўналтирилган таълим олувчиларининг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассимент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетенцияларининг тўғрилиши ва мазмۇни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетенцияли мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва тарқибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетенцияли, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахсларро муносабатларни самарали ташкил этиш ва турухни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорлигининг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциални тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетенцияни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларининг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

## 2.2. Иктисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари.

Иктисодий соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими самардорлигини оширишга нисбатан технологик ёндашувнинг зарурлиги. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш. Иктисодий фанларни ўқитишда мазлумотларни тарқиблаштириш, ўрналиштирилган тушунчалар ўргатилиши алоқа ва алоқадорликни ўрнатилишнинг метод ва воситаларидан фойдаланиш. Иктисодий фанларни ўқитишда мазлумотларни тахлил қилиш, солиштириш ва такқослашнинг метод ва воситаларидан фойдаланиш. Иктисодий фанларни ўқитишда муаммони

аниқлаш ва тахлил қилиш. Иқтисодий фанларни ўқитишда муаммо вазифаларини режалаштириш.

Иқтисодий соҳада кадрлар тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатлар илгор тажрибалари. Замонавий ёнлашувлар. Европа ягона таълим мухити (Болонья жараяни). Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Модулли-кредит тизими моҳияти. ECETS кредитлари. ECETSнинг асосий тамойиллари. ECETSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECETS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараянларини таъкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

Кейс-стади технологияси моҳияти, унинг яратилиш тарихи. Кейс-стади технологиясини умимий тавсифи ва уни таълим жараянига татбиқ этишнинг дидактик аҳамияти. Кейс-стади технологиясини таълим жараянига самарали татбиқ этиш шартлари. Кейс-стади технологиясининг тарққбий тузилмаси ҳамда ўзига хос дидактик хусусиятлари. Кейслар типологияси. Кейсларни яратиш методикаси.

Ўқув жараянининг норматив-ҳуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиссий таҳлили.

### III. Таълим жараянида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

#### 3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараянида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Spring Free, Artiscilate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиага электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараянини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишланш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳлиллар. Ахборотни химоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараянлари.

#### 3.2. Иқтисодий соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

Ахборот технологиялари тушунчаси ва унинг таснифи. Ахборот тизимлари тушунчаси ва унинг таснифланиши. Иқтисодий ахборот тизимлари. Иқтисодий объектни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими. Бошқарувнинг кибернетик модели. Иқтисодийнинг турли соҳаларда ахборот технологияларини амал қилиш принциплари. Клиент-сервер технологияси. Махсус мутахассисларнинг автоматлаштирилган иш жойининг амал қилиш технологияси. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг янги авлодлари ва улардан иқтисодий соҳада фойдаланиш. 3D технологияларнинг иқтисодий ривожланти аҳамияти.

Давлат бошқарувида интернет технологиялари ва интерактив хизматлар. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўстувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда “Электрон ҳуқуқия” тизимидан фойдаланиш стратегияси. Электрон тижорат ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш концепцияси. Электрон тўлов тизимлари. Миллий иқтисодий тармоқларида замонавий ахборот тизимларининг ўзига хос хусусиятлари. Маркетингга замонавий ахборот тизимлари. Статистик ахборот тизимларининг мақсади ва функциялари. Солиқ тизимида замонавий ахборот тизимлар. Миллий иқтисодий объектларида замонавий ахборот технологияларининг амал қилиш самардорлиги.

### IV. Амалий хорижий тил

#### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-В1-В2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўргатувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тилни ўрганилётган мамлакат маданиятининг билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилда гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: қўндалик ҳаётга оид (шахсий марғумот, оила ҳақида марғумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳокazo) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касба йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, отзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## **V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари**

### **5.1. Олди тахлим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.**

Тизимли тахлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли тахлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлилини амалга ошириш. Тизимли тахлилни амалга оширишнинг асосий боқкичлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг эксперти ва прогностика методлари. Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

### **5.2. Иқтисодиёт соҳасида тизимли тахлил асослари.**

Иқтисодиётнинг яхлит тизим сифатидаги хусусияти ва уни тизимли тахлил қилиш методологияси. Тизимли тахлил асосида олинган натижа ва хулосаларни илмий асослаб, оптимал қарор қабул қилиш. Иқтисодиёт соҳаларига мос объектларда тизимли тахлил олиб бориш. Иқтисодиёт соҳасида тизимли тахлил натижасидаги қарор қабул қилишда моделлаштириш усулларидан фойдаланиш. Тизимли тахлил объектларини бўлақларга ажратиб, уларни ечишда самарали усулларни қўллаш. Тизимли тахлил натижасида олинган натижаларни оптималлаштириш. Иқтисодиётга оид мураккаб тизимларни моделлаштириш ва лойихалаштириш. Тизимли тузилмага эга бўлган иқтисодий тизимларни бошқариш. Ўз касбий фаолиятини тизимли бошқариш. Иқтисодий тизим элементлари ҳисобланувчи бўлақларни интеграция қилиш ва ҳар қандай яхлитни дифференциация қилиш. Иқтисодий тизим тараккиётини, унинг ривожланиш тенденцияларини прогност қилиш.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Божхона иши.**

Марказий Осиёда ташкил тошган божхона ишининг аҳамияти. Амир Темур ва темирўйлар сагтанатда божхона иши. Божхона ишида товарларнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб божхона имтиёзларининг берилиши. Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон давлат божхона кўмитасининг ташкил этилиши. Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг Давлат солиқ кўмитаси тарқибидати фаолияти. Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги ва «Божхона хизмати тўғрисида»ги қонунилари. Давлат божхона кўмитасининг функциялари. Ўзбекистон Республикасида ягона божхона тизимининг яратилиши. Ягона божхона тизимининг ташкилий тузилиши. Ўзбекистон Республикасини яндада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш устувор йўналишлари.

### **6.2. Давлатнинг бож тариф сиёсати.**

Давлат бож тариф сиёсатининг моҳияти ва тузилишини белгиловчи омиллар. Ташқи иқтисодий фаолиятда бож-тариф сиёсатининг тулган ўрни. Ташқи сиёсат. Экспорт. Резкпорт. Бож тариф сиёсатининг шаклланиши асослари. Сиёсатни белгиловчи хусусиятлари. Сиёсатнинг вазифалари. Сиёсатни тахлил қилиш боқкичлари тузилиши. Давлат сиёсати турлари: ишлаб чиқариш сиёсати, савдо сиёсати, мулоффа сиёсати, солиқ сиёсати, ташқи иқтисодий сиёсат. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ички сиёсат билан ўзвий боғлиқлиги. Мустақил ташқи сиёсий йўлни амалга ошириш. Таркибий қайта уштартиришлари амалга ошириш. Бюджетнинг даромад қисмини тўлдириш. Божхона сиёсатининг ҳуқуқини муҳофаза қилувчи функцияси божхона назорати воситаларидан самарали фойдаланишга асосланганлиги. Божхона назорати мақсадида божхона назорати зоналарини ташкил этиш. Божхона назоратига кўмаклашиш ва уни амалга ошириш учун мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш. Божхона орқали тартибга солиш воситалари қўлланишини тахлил қилиш. Иқтисодиётга ахволни тахлил қилиш.

Ўзбекистон Республикасини яндада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб давлатнинг бож тариф сиёсатидаги ўзгаришлар.

### **6.3. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг божхона таъминоти.**

Модулнинг мазмуни ва предмети. Жаҳон иқтисодиёти ривожланиш тарихи ва боқкичлари. Халқаро савдо ва унинг хозирги замон структураси. Ташқи савдо сиёсати ва унинг турлари. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашuvi шароитида божхона сиёсати. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва унда божхона сиёсатининг ўрни.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган боғжона сиёсатидаги вазифалар.

## VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик мазрузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим мусассадаларининг тегишли профилъ кафедраларида ташкил этилади.

### Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологияк жараёнлар билан боғлиқ вазиятги масалалар асосида амалий ишларни бажаралилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, муस्ताкил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, таркатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### Муस्ताкил таълим соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Муस्ताкил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдмоти куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавузлар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фанини ўзлаштиришга ёрдам берувчи кўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, мазруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.);

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрнатиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараққийнинг устувор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳақиқатини хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, муस्ताкил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон погфوليو” тизимига киритиб бориши лозим.

## Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

### Адабиётлар:

#### 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008–176 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон муस्ताкиликка эришиш оstonасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.

3. Каримов И.А. Она нортимиз бахти икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий сводагидир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашмиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президентис лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. “Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққийти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги мазрузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қолдиси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашмиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

#### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самаралорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим мусасадларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш



ва малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгиртириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

### III. Махсуе адабийётлар

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Ralftidge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.

2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар – Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016, –279б.

3. Катимова У.А, Заурпадинова М.В., Назимова Е.Ш., Sadikova Sh.Sh. Tizimlil tablil asoslari. – Т.: “O‘zbekiston fanlari uchun milliy jamiyati nashriyoti”, 2014–192 b.

4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.

5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-33бс.

6. Подлаский И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педар. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.

7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф.В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Круглова.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.:ил.

8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004

9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.: ил.

10. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие.– Киев:” МАУП”, 2003.–242с.

11. G'ulomov S.S., Begalov B.A. Infomatika va axborot texnologiyalari. – Т.: Fan, 2010.–68бс.

12. Trade and development report, United Nations publication, Geneva, 2014.

13. The international law on foreign investment, third edition, Cambridge University press, 2014.

14. The Regulation of international trade, fourth edition, Routledge Press, 2013.

15. Tay Vaughn. Multimedia: Making it Work. - USA: McGraw-Hill/Osborne Media, 2016.

### IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсуе таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.asi.uz](http://www.asi.uz).

3. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictsovcpl.gov.uz](http://www.ictsovcpl.gov.uz).

4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсуе таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bilm.uz](http://www.bilm.uz).

5. [www.ziyoueet.uz](http://www.ziyoueet.uz).

6. Infosom.uz электрон журнали: [www.infosom.uz](http://www.infosom.uz).

7. [www.lmfer.uz](http://www.lmfer.uz) – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.

8. [www.uzda.uz](http://www.uzda.uz) – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

9. [www.seg.uz](http://www.seg.uz) – Иқтисодий таълим ресурслари Марказининг расмий сайти.

10. [www.uzerot.com](http://www.uzerot.com) – бизнес ахборотлари портали.

**“ИШЛАБ ЧИКИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва ўларнинг маълумотини яқинлаштиришнинг таълим асоси бўлиб илмий ва таълим маркази

Директор \_\_\_\_\_ У.Ш. Раҳмонов  
“ \_\_\_\_\_ ” 201\_ й.  
М.ў.



Тошкент давлат иқтисодий университетининг  
Ректор \_\_\_\_\_ Ш.О. Холмев  
“ \_\_\_\_\_ ” 201\_ й.  
М.ў.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий қилинишини назорат қилиш Бош бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ О.Ш. Исмоилов  
“ \_\_\_\_\_ ” 201\_ й.  
М.ў.

Тошкент давлат иқтисодий университети  
хузуридаги илмий кадрларини қайта тайёрлаш  
ва ўларнинг маълумоти яқинлаштириш таълим  
маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Г.Н. Ахунова  
“ \_\_\_\_\_ ” 201\_ й.  
М.ў.

